



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 4 март, № 44 (5974)

Сешанба

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

шиори остида юртимизда саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда



Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил чора-тадбирлар замирида юртимиздаги ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибор ва эҳтиром мужассам.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Бинобарин, 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши ва шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши ҳам, аввало, фарзанднинг саломатлиги, камолини ўйлаб яшовчи Аёл, Она деган муҳтарам зотга кўрсатил-

ётган ғамхўрликни ифодалайди. Ана шундай сазй-ҳаракатлар давоми сифатида жорий йил Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида бутун мамлакатимиз бўйлаб

махсус саломатлик ҳафталиги бошланди. Бундан кўзланган мақсад мутахассис-шифокорлар бошчилигида юртимизнинг барча ҳудудида яшайдиган хотин-қизлар, фертил ёшидаги аёллар, нуроний онахонларни чуқур-

лаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратишдир. Кеча мазкур ҳафталик доирасида Тошкент вилоятида ҳам бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Хусусан, Юқори Чирчиқ туманининг

«Истиклол», «Кавардон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли тиббиёт пунктларида ўқувчи-қизлар, ёш болали аёллар, онахонлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

Ҳар бир ота-она фарзандининг соғ-саломат вояга етишини, эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб камол топишини истайди. Ушбу олижаноб фазилат истиқлол йилларида юксак қадрланиб, бу борадаги ислохотлар янги мазмун-моҳият касб этиб бораётгани барчамизга қувонч ва гурур бағишлайди.

Фарзандлари СОҒЛОМ ЮРТ

Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 21 йил тўлди.

Бундан роппа-роса 21 йил муқаддам, яъни 1993 йилнинг 4 мартда мустақил мамлакатимизнинг ilk ордени — «Соғлом авлод учун» деб номланиши ва унинг таъсис этилишида ҳам ана шундай чуқур маъно мужассамдир.

ИФТИХОР

Табиики, ҳар бир миллатнинг келажаги бугунги авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фарзандларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида ўтган йиллар давомида кенг қўлланган ишлар ба-жарилди. Хусусан, мамлакатимизда ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақалар тизими, чин маънода, фарҳимизга айланди. Умумтаълим мактаблари йиғинларида «Умид нихоллари», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий ўқув юртлири талабаларининг Универсиада спорт ўйинлари ўғил-қизларимизни янги марралар сари етаклаб, миллат номини оламга танитадиган спортчилар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда.

Эзгу мақсад билан бошланган мазкур ислохотлар замирида баркамол авлод орзуси мужассам. Мантиқан бири-бирига ҳамоҳанг бўлган Оила йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, қолаверса, 2014 йил — Соғлом бола йилида ҳам бу каби хайрли ишлар изчил давом эттириляпти.

Соғлом бола тушунчаси фарзандларимизнинг фақатгина жисмоний соғлигини эмас, айни пайтда уларнинг маънавий етуқлиги, руҳий-ахлоқий баркамоллигини ҳам англайди.

(Давоми 2-бетда)



8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Бугун мамлакатимизда аёлларнинг қадри ҳар қачонгидан юксак, жамиятдаги ўрни ва нуфузи эса юқори. Бу эса уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол бўлиб, ташаббус кўрсатишга руҳлантирмоқда.

Юксак эҳтиром фидойиликка ундайди

Натижада кўплаб соҳалар, хусусан, оилалар мустаҳкамлиги ва рўзгор тўқинлигининг асосий омилли ҳисобланган тадбиркорликда хотин-қизлар иштироки тобора кенгайиб бора-раяпти. Мен ҳам шуларнинг бир вакили сифатида ишбилармон аёлларга яратиб берилган қулай шарт-шароитлардан баҳраманд бўлаётганимдан доимо гурурланиб юраман.

Аслида, тадбиркорлик — ўзбек аёлларига хос фазилат. Бу хислат истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий имкониятларини кенгайтиришга қаратилаётган эътибор туйғайи янада сайқал топ-

моқда. Бунга бизнинг «Modul Group» масъулия-ти чекланган жамияти эришаётган ютуқлар яққол мисол бўла олади.

Ҳап шундаки, 2010 йилда иш бошлаган корхонамизда юртимизда биринчилардан бўлиб болалар юмшоқ ўйинчоқлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бунда кичик жамоамизда меҳнат қилаётган аёлларнинг изланувчанлиги, ишга ижодий ёндашуви кўл келди, албатта. Айни пайтда уларнинг меҳнати билан 32 турдаги маҳсулотлар тайёрланаёпти.

(Давоми 2-бетда)

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

Пойтахтимизда «Намунали милиция таянч пунктлари» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият

ТАНЛОВ

Ички ишлар вазирлиги, генерал-майор А. Аҳмадбоев ва бошқалар таъкидлаганидек, юртимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўналишида амалга ошириляётган кенг қўлланган ишлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уларнинг жихозланган болалар майдончалари фаолият кўрсатмоқда. Мухими, уларнинг барчасига шу ҳудудларда яшовчи аҳоли, хусусан, ёшлар жалб этилган. Бу эса жойларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчилик ҳолатлари сезиларли даражада камайишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур кўриктанлов милиция таянч пунктлари фаолиятини бугун талаб даражасида ташкил этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди Ички ишлар вазир-

лиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот қотиби, подполковник У. Тўймабоев. — Зеро, танлов жараёнида милиция таянч пунктлари атрофида ташкил этилган кичик бизнес шохобчалари, болалар спорт майдончалари ва хунармандчилик тўғрисидаги фаолият ҳамда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги илғор тажрибаси мамлакатимиз бўйлаб кенг оммалаштирилмоқда.

Танловнинг республика босқичида мамлакатимизнинг 4 минтақаси бўйича гилиб бўлган милиция таянч пунктлари эълон қилинди. Унга кўра, Зангиота туманидаги «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 147, Шаҳрихонда жойлашган Бувайдо маҳалласидаги 258, Қарши тумани «Мирмирон» маҳалла фуқа-

ва спорт ишлари вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган кўриктинг якуний босқичида ҳудудларда гилиб бўлган 14 та милиция таянч пункти жамоалари қатнашди.

ролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 44 ҳамда Жиззах тумани Учтепа маҳалласидаги 133-милиция таянч пунктлари биринчи даражали диплом ҳамда «Matiz» автомашиналари билан тақдирланди. Кейинги ўринларни кўлга киритган жамоаларга эса диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маҳалламиз ҳудудида 2 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, 800 нафардан ортиқ вояга етмаганлар истиқомат қилади, — дейди Зангиота тумани «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 147-милиция таянч пункти воёга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактика инспектори, майор Қобил Нуриддинов. — Уларнинг барчаси фан ва спорт тўғрисидаги тўла қамраб олинган.

(Давоми 2-бетда)

ТАДБИР

Баҳорнинг ilk куни — садоқат ва вафо куйчиси Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуд топган айёмда ардоқли шоира хайқали ўрнатилган хийбон байрамона кўрקה бурканди.

САДОҚАТ ВА ВАФО КУЙЧИСИ

Бу ерда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, Хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоиранинг мухлислари, жамоатчилик вакиллари иштирокида «Салкин сахарларда уйғонган баҳор» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси М. Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси

(Давоми 2-бетда)

Одил судлов амалиёти

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида янада такомиллашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт Дастурининг «Фуқаролик судларида иш юритишни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» лойиҳаси билан ҳамкорликда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий суд судьялари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар вакиллари қатнашди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Таъкидланганидек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Президентимиз-

нинг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуника-

ция технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган бўлиб, бу борада кенг қўлланган ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, «Фуқаролик судларида иш юритишни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» лойиҳаси амалиётга изчил татбиқ этиляпти. Ушбу лойиҳа доирасида «Е-SUD» электрон судлов миллий ахборот тизими яратилган.

(Давоми 2-бетда)

www.xs.uz

«Халқ сўзи»
газетаси сайтыда ўқинг

Ризқу барака мезони

Тажрибали деҳқонлар баҳорнинг бир куни йилга татишини яхши билишади. Шу боис тақдирини ер билан боғлаган бундай инсонлар бугун даласида бедор.

Халқ сўзи
Народное слово

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

шиори остида юртимизда саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Муваққиллик йилларида «Соғлом она — соғлом бола» тамойили ҳаётимизнинг асосий широрларидан бирига айланди, — дейди «Истиклол» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли тиббиёт пункти мудирини Акбар Шарипов. — Бунинг натижасида оналар ва болалар саломатлиги билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олишга эришилди. Масалан, ҳудудимиз аҳолиси 3138 нафарни ташкил этса, шундан 1524 нафари аёллар, 1226 нафари эса болалардан иборат. Айтиш керакки, уларнинг ҳар бири шифокорларимизнинг эътиборида, назоратида. Шунингдек, оилаларга мутахассисларнинг бириктирилганлиги ҳам мамлакатимиз тиббиётини янада яқинлаштиришга беқийс ислохотларнинг ўзига хос самарасидир. Бу агар қимматли кассалликка чалинса, унинг саломат-



лиги, аҳолидаги ўзгариш, муолажа олиши, умуман, ҳар бир вазият мутахассис назоратида туради, дегандир. Жаҳондаги бир қатор нуфузли институтларнинг тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 125 та етакчи давлатлари орасида она ва бола муҳофазаси, аёлларга яратилаётган қулай шароитлар борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Тугуруқ ёшидаги аёлларни тиббий куриқдан ўтказиш, ўсмир қизларни оилага тайёрлаш, болаларни эмлаш каби чора-тадбирлар она ва бола саломатлиги муҳофазасига йўналтирилмоқдаки, шунинг учун бўлса керак, саломатлик ҳафталиги муносабати билан ўтказилаётган тиббий текширувлардан аҳоли мамнун бўлмоқда. — Соғлом ҳаёт кеңигори инсон соғлом фикрлайди, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги Истиклол маҳалласида истиқомат

қилувчи Умида Умаралиева. — Бунинг учун бугун биз, аёлларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Тиббий пунктимиздаги қулайлик, ширинсўз шифокорларнинг доимий назорати фарзандларимизни ҳам, ўзимизни ҳам доимо соғлом юртимизда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ушбу ҳафталик ҳақида эшитиб, бутун оиламиз билан хурсанд бўлдик. Онам, қайнонам, қизларим билан шифокорлар қабулида бўлиб, уларнинг маслаҳати, йўл-йўриқларини олдик. — Етмишдан ошдим, — дейди туманининг Кавардон қишлоғида яшовчи онахон Гулиса Бойалиева. — Шу ёшга кириб, ҳеч қачон бугунгидек тўқсикликни, эъзоз ахтиром, гамхўрликни кўрмаганман. Илгари тиббий текширув учун бир кунимизни йўқотиб марказга боришга тўғри келарди. Энди эса шундоққина

ҳафталиги аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини эшитиб, бошим осмонга етди, — дейди у. — Уғлим, келиним ишда, набираларим боғчадалигида ҳасталаниб қолсам, нима қиламан, деган хавотир йўқ. Негаки, кўриб турганингиздек, шифокорларнинг ўзи тез-тез хонадонимизга келиб туришади, хабар олишади. Нима ёрдам керак бўлса, маслаҳатларини, кўмакларини аяшмайди. Барака топишсин. Шу ўринда айтиш жоизки, бутун юртимиз бўйлаб ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги мобайнида республикамиздаги мавжуд 3200 та қишлоқ врачлик пункти, туман ва шаҳарлардаги марказий кўп тармоқли ва оилавий ҳамда аралаш қабулга мўлжалланган поликлиника шифокорлари хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишади, тиббий маданиятни ошириш юзасидан ўз тавсияларини беришади. Зеро, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар алоҳида қайд этилганки, бу борадаги эзгу ташаббусларнинг барчаси мамлакатимизда ҳаётни янгиловчи, насли давом эттирувчи, оила иқлимини покка туртувчи, фарзандлар камолотига пойдевор бўлувчи. Аёл деб аталмиш муаззам ва муътабар зотга кўрсатилган юксак эътибор, беқийс гамхўрлик самарасидир, албатта.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

АНЖУМАН

Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли сайёҳаракатлар натижасида бугунги кунда уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида аёллар ҳуқуқларининг кафолатлари ўз ифодасини топгани, қатор халқаро ҳужжатлар, чунончи, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам берилиши тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилингани муҳим омил бўлаётди.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Хотин-қизлар кўмитаси, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан ташкил этилган илмий-амалий анжуманда шулар хусусида сўз юритилиб, соғлом бола тарбиясида аёлларнинг ўрни, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари атрофида муҳокама қилинди.

дан, оилалар мустақамликка таъбир кўрсатаётган салбий ҳолатлар комплекс тарзда ўрганилиб, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, қизларни касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Шунингдек, ФХДЭ бўлимлари ходимлари, хотин-қизлар кўмиталари, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорликда жойларда ташкил этилаётган амалий учрашувларга қўллаб-қувватлашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёллар бўлган муносабат билан белгиланади. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг гамхўрлиги, меҳрибонлиги билан нафақат оилада, шу билан бирга, бутун жамиятда поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар. Юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва гамхўрлик янада юқори босқичга кўтарилгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўз навбатида, адлия органлари ва муассасалари томонидан давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, билим ва малакасини юксалтириш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Жумла-

Зиёда АШУРОВА.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — УЛУФ НЕЪМАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуларга мос равишда профилактика ишлари изчил олиб боришмоқда. Бу амалда ўз самарасини бераётди. Кейинги уч йилда маҳалламизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолати умуман қайд этилмади.

Кўриқда нафақат ўзимизнинг ютуқларимизни намойиш этидик, айни чоғда ҳамкасбларимизнинг бу борадаги бой тажрибасини ўргандик. Голиблар сафидан жой олганимиздан мамнунман. Айни чоғда бу зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

Танловда маърифатпарвар маслаҳатчи, адолатли яраштириш комиссияси, баркамол авлод етакчиси, фаол хотин-қизлар кўмитаси раиси, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси, маҳоратли профилактика инспектори, фаол касба уюшмаси ташкилоти етакчиси, овод ва осойишта маҳалла раиси, ёш авлод ҳимоячиси, фидойи маҳалла посбони номинатсиялари бўйича ҳам голиблар аниқланиб, улар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди. — Истиклол туфайли маҳалла ҳудуд билан боғлиқ масалаларда бош-қош бўладиган энг халқчил идора сифатида тўлиқ шаклланди, — дейди танловнинг «Маърифатпарвар маслаҳатчи» номинатсияси голиби, Хонқа туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йи-



гинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марямжон Йўлдошева. — Маҳалламиз мисолида ҳам бунини кўриш мумкин. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдан тортиб, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси ва одоб-ахлоқига барча бирдек масъулият билан ёндашади. Бунда, албатта, милиция таянч пунктлари орқали ички ишлар органлари билан йўлга қўйил-

ган ҳамкорлик ўзини ҳар томонлама оқлаётди. Яъни маҳаллада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда. Шу маънода, профилактика инспекторларидан миннатдоримиз. Бугунги эътироф фаолиятимизни янада кенгайтиришга ва фидойилик кўрсатиб ишлашга ундайди. Танловда маҳалла гузари, милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, уларнинг жамоат ташкилотлари

билан ҳамкорликда иш олиб бориши учун қулай шарт-шароит яратиш, милиция таянч пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ибрат кўрсатган ҳокимликлар ҳам рағбатлантирилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарзандлари соғлом юрт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис «Соғлом авлод учун» ордени билан оналик ва болаллик муҳофазаси қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга мустақабат руҳида тарбиялаш ишига алоҳида ҳисса қўшаётган, фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларни маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол

этиб тарбиялаш соҳасида катта ютуқларга эришаётган ватандошларимиз тақдирландилар. Юртимизда «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида бу ишлар янада такомиллашиб бормоқда. Халқимизнинг ўртача умр кўриши 4-5 йилга узайгани, навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳияти ошгани бу эзгу ишларнинг самарасидир. Шунингдек, моддий ва маънавий кадрларини яратишга йўналтирилган умумдавлат тадбирларини ўтказишга, етим

гини муҳофазаси қилиш ва камол топтириш билан бевоесита шуғулланидиган касб эгаларигагина эмас, балки шу билан бирга, болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган турли чет давлатлар ва жамоат тузилмаларининг вакиллари ҳам «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландилар. Шунингдек, моддий ва маънавий кадрларини яратишга йўналтирилган умумдавлат тадбирларини ўтказишга, етим

болалар ва ногиронларни тарбиялашга, оналар ва болаларни муҳофазаси қилишга катта ҳисса қўшган фуқаролар, жамоат ташкилотлари меҳнати ҳам мазкур ордени воситасида қадрланди. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши инсон ва унинг манфаатлари ҳар томонлама эъзозланган юртимизда халқ саломатлиги, навқирон авлоднинг жисмоний ва руҳий-маънавий баркамоллиги олий қадрият, деб эътироф этилаётганлигининг ёрқин рамзидир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

Одил судлов амалиёти

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида янада такомиллашмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лойиҳа ижодкорлари ахборот тизимида судларда электрон ҳужжат алмашинуви жорий этиш, тарафларга суд хабарномалари ва ҳужжатларини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали жўнатиш, суд мажлисларининг ягона тақвими йўлга қўйиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ҳамда суд ҳисоботларини тузишни автоматлаштириш каби вазифаларни бирлаштирди. Тез

орада эса суд жараёнларида аудио ва видео ёзиш ҳамда судда масофадан иштирок этиш имконини берадиган қўшимча тизимларни ишлаб чиқиш режалаштирилган. Давра суҳбатида «E-SUD» ахборот тизимини фуқаролик ишлари бўйича Занғиота туманлараро судида синовдан ўтказиш натижаси таҳлил қилинди ва ушбу тизимни бутун республика судларида жорий этиш бўйича тақдирлар тақдим этилди. Айни чоғда фуқаролик ишлари бўйича судларда

кўриладиган даъво талабларини тизимлаштириш хусусида атрофлича сўз юритилди. Зеро, бу даъво аризаларида илова қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Аниқ айтишдан бўлса, барча маълумот тўлиқ кўрсатилган даъво аризалари судда ушбу аризаларни қайта ишлаш ва кўриб чиқишни осонлаштириш ҳамда суд амалиётини умумлаштириш учун замин яратди. Тадбирда интернетда шахсни тасдиқлаш механизмларини яна-

да такомиллаштириш, мобиль алоқа воситалари ҳамда электрон манзиллар бўйича суд хабарномаларини жўнатишни тартибга солиш нормаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, «Фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муносабати билан амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун

лоийҳасини янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, Президентимизнинг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофазаси қилиши тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб тайёрланган «Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти» ва «Фуқаролик ишлари бўйича суд ажрими намуналари» китоблари тақдими бўлиб ўтди. Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ш. ХОЛТЎРАЕВ.

Гулмира МАХМУДОВА, Тошкент шаҳридаги «Modul Group» МЧЖ раҳбари.

ЭЪТИРОФ

Мамлакатимиз банк тизими истиқлол йилларида тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳамкори ва таянчига айланди. У молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига мос фаолиятни амалга ошириши баробарида, иқтисодий тизимини ва халқ фаровонлигини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хусусан, ўтган 2013 йил — Обод турмуш

Йилида мамлакатимиз банклари томонидан иқтисодий тизимнинг реал секторига ажратган кредитлари 30 фоизга ошгани сўзимизнинг исботи бўла олади. Шу ўринда Ўзбекистон банк тизимида эришилган муваффақиятлар омили хусусида айрим халқаро экспертлар, хорижий ишбилармонлар, кичик бизнес вакилларининг билдирган қуйидаги эътироф ва фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир.

БАРҚАРОР ВА МУСТАҲКАМ БАНК ТИЗИМИ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ольга УЛЬЯНОВА,
“Мудис” халқаро рейтинг агентлиги вице-президенти:

— Авваламбор, шуни алоҳида қайд этиш керакки, бирор бир иш фаолиятига баҳо беришнинг ўзи катта масъулият юклайди. Бизнинг фаолиятимиз банклар, сугурта компаниялари ва молия ташкилотларининг тўлов қобилияти нечоғлиқ барқарорлигини таҳлил қилиб, тегишли мезонлар асосида пухта ўрганиб чиқиш ҳамда баҳо беришдан иборат. Чунончи, ҳар бир давлатнинг банк тизими барқарор ишлаши юрт истиқболлини белгилайди. Давлатлар ҳамкорлигини йўлга қўйишдан олдин ўзи танлаган мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил этишнинг боиси шунда. Бу жараёнда, биринчи галда, унинг банк тизими фаолиятига асосий эътибор қаратилади. Чунки мамлакат банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши унинг тўлов қобилияти юқорилигидан далолат беради. Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда 4 йилдан буён компаниямиз томонидан “барқарор” юқори рейтинг баҳо беришмоқда. Ҳар йили банк тизимини таҳлил қилганимизда, унинг ўсиш тенденцияси йилдан-йилга мустаҳкамлашиб бораётганини кўраётимиз.

Бу борада Марказий банк ўз зиммасига юклатилган барча вазифа ва функцияларни тўлиқ ҳамда сифатли бажараётганини алоҳида эътироф этамиз. Негаки, ана шундай узокни кўра билиш стратегияси амалга оширилаётгани натижасида жаҳон глобал молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам тижорат банкларида ресурс маблағлари ички манба ҳисобидан тўлиқ шакллантирилганлиги, аҳолининг банкларга ишониб топширилган пул маблағларининг бут сақланаётганлиги, шунингдек, банклар томонидан миқозларга жаҳон стандартларига мос хизмат кўрсатилаётганлиги, энг муҳими, банкларнинг капиталлашуви йилдан-йилга ошиб бориши ишбилармон ҳамда тадбиркорларнинг ҳеч бир қийинчиликсиз кредитлар олиб, ўз фаолиятларини кенгайтиришларида катта имкониятлар яратилаётганлигини нафақат бизнинг компаниямиз, балки жаҳоннинг йирик нуфузли молия муассасалари, хусусан, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро молия корпорацияси томонидан ҳам эътироф этиляпти. Улар Ўзбекистон эришган ютуқлар асосида мамлакатининг кейинги ривожланиш кўрсаткичларини ҳам ижобий таҳлил қилаяпти.

Биз кўпгина хорижий давлатларнинг банклари фаолиятини таҳлил этиб, юртингиз банк тизими кўрсаткичлари билан солиштирганимизда, Ўзбекистонда ўрта синф вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўрсаткичлари анча юқори эканлигига амин бўлдик. Бу эса юртингизнинг барча жабҳаларида

банклар фаол иштирок этаётганлиги, аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланганлиги, банклар олдида қўйилган вазифалар тўла-тўқис бажарилаётганлигининг аққол тасдиғидир.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон банк тизимида, ҳақиқатан ҳам, самарали механизм яратилган. Бундай механизм ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Албатта, банк тизими раҳбарияти томонидан узокни кўра билиб, пухта ишланган дастурлар асосида тизимнинг оқилона бошқарилиши ўзбек халқининг келажагини йўлаб қилинаётган ишларнинг амалдаги ифодасидир. “Мудис” халқаро рейтинг компаниямиз томонидан Ўзбекистон банк тизимига “барқарор” рейтинг баҳосининг берилгани ҳар томонлама муносиб ва ҳақиқий баҳо, деб тасдиқлаймиз. Бу Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, дунёдаги энг катта банклар ва савдо-саноат доиралари билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нам КИСАБ,
Корея “Экспорт-импорт банки” бошқаруви раиси (Корея Республикаси):

— Ўзбекистон Республикаси қисқа давр ичида ўзининг банк-молия, пул-кредит тизимига эга бўлди. Албатта, бунда Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар асосий омилдир.

Юртингиз банк тизимида амалга оширилаётган ишларни мунтазам кузатиб бораган. Ушбу тизимда кредитлар олиш тартиб-тамоиллари соддалаштирилганлиги, миқозлар учун қулай шарт-шароитлар яратилгани диққатга сазовор. Узокқа бормайлик, ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган бимонеси юришти бўйича ҳисоботда Ўзбекистоннинг кредитлаш соҳасидаги рейтинг кўрсаткичлари 24 поғона кўтарилганлиги бу борада кўрилатган чора-тадбирларнинг нечоғлиқ самара бераётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон банк тизими билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш истагини билдираётган давлатлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Сабаби, юртингизда ишончли ва мустаҳкам банк тизими барқарор фаолият юритмоқда. Шу боис Ўзбекистон банк тизимининг нуфузи дунё банклари ичида юксалиб бораёпти.

Мамлакатингиз банклари билан бир неча йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Юртингизда ишбилармон ҳамда тадбиркорларга яратилган қулай инвестицион муҳит, айнақса, таҳсинга лойиқ.

Шунга кўра, Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхоналари сони ҳам йилдан-йилга

ошмоқда. Таъкидлаш ўринлики, мазкур қўшма корхоналарга банкларингиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилганини қадрлаймиз. Маълумки, бундай корхоналарнинг мавжудлиги экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, мамлакат валюта захираси кўпайишига, энг муҳими, янги иш ўринлари ташкил этилишига катта имконият яратади. Албатта, юртингизда ҳамкор ташкилотларга яратилган имтиёзлар давлатлараро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимизга кўрсатилаётган бундай эътиборни муносиб баҳолаймиз. Банк тизими раҳбариятига Корея Республикаси банклари номидан ўзимизнинг самимий миннатдорлигимизни билдираимиз. Ўзбекистон банк тизими бизнинг ҳақиқий ишончли ҳамкоримиз ва бу ҳамкорлик бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бораверди.

Ким Ёнг ВУК,
“Уз-Шиндонг Силикон” қўшма корхонаси раҳбари (Корея Республикаси):

— Ўзбекистон — дунёнинг энг етакчи компаниялари учун жозибador мамлакат. Юртингизнинг улкан иқтисодий салоҳияти ва хорижий сармоядорлар учун тақлим эгитилган кенг имкониятлар, мамлакатингизда чет эллик ҳамкорлар билан биргалликда амалга оширилаётган йирик инфратузилма лойиҳалари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бир неча йилдан буён бу ерда қўшма корхонамиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Банкларингизда ишбилармон ҳамда тадбиркорлар учун барча шарт-шароит мавжуд. Мен кўпгина давлатларда бўлганман. Юртингиз банклари хорижнинг ҳеч бир банкидан қолишмайди. Энг муҳими, банкларингизда иш тўғри йўлга қўйилганлиги тадбиркорларнинг барча эзгу мақсадларига эришишни таъминламоқда. Бунга ўзим кўп бора гувоҳ бўлганман.

Банк миқозига нима керак? Энг аввало, банк ходимларининг муомаласи, у ерда яратилган шарт-шароит, кредит олишнинг тартиб-қоидалари соддаллиги, қисқа фураст ичида масаланинг ечилиши. Бизнинг қўшма корхонамизнинг ҳисоб рақами нуфузли банклардан бири — “Ипотека-банк”да очилган. Мазкур молия муассасасида юқорида тилга олинган барча омиллар мавжуд. Энг эътиборлиси, банкка ташриф буюрсангиз бас, ҳаммиша мамнун бўлиб қайтасиз.

Мисол учун, биз лойиҳамизни амалга ошириш учун айна шу банкка бизнес-режамизни тақдим этган эдик. Тез орада у маъқулланди, электротехника соҳасида кенг ишлатиладиган кремний ишлаб чиқариш мақсадига 6,6 миллиард сўмлик кредит ажратиб берилди.

Бу маҳсулотнинг 100 фоизи экспорт қилиниши режалаштирилган. Ишлаб чиқариш жараё-

нида фақат маҳаллий хом ашё — Жиззах вилоятидаги қондан қазиб олинган кварц рудасидан фойдаланилади. “Ангрен” МИЗ худудида қурилаётган заводда қайта ишланади. Лойиҳа эса Наврўз байрами арафасида ишга туширилиши ва 113 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон, том маънода, ишбилармонлар юртидир. Шу заминда фаолият юритаётганимиздан, хусусан, “Ипотека-банк” миқозли бўлганимиздан бахтиёримиз.

Берт МОССЕЛМАНС,
“Весалиус” коллежи ректори, профессор (Бельгия):

— Ўзбекистонга кўп маротаба ташриф буюрганман. Ўтган даврда шунга ишонч ҳосил қилдимки, бугунги ўзбек ёшлари билимли, зуқко ва ташаббускорлиги билан хорижий тенгқурларидан алоҳида ажралиб туради.

Айниқса, коллежларни битирган йигит-қизларнинг хусусий корхоналарни ташкил этиши, шу орқали ҳаётда ўз ўрнини топишида банкларингиз томонидан амалга оширилаётган ишлар менда катта таассурот қолдирди. Гап шундаки, улар, аввало, ўзи севган касб бўйича олиёйқув юртига кириб ўқиш, иккинчидан, хусусий корхона очиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, қолаверса, корхона ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттириш имкониятига эга. Бундай тажрибани эса, тўғриси айтсам, бошқа давлатларда кўрмаганман.

Мухтасар айтганда, кечагина коллежни битириб, касб-ҳунарга эга бўлган ўқувчи банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмак туфайли бугун ўз мулкига, ўз маблағига ва куч-қудратига эга бўлаётгани, пировардида миллатнинг бир тадбиркори сифатида шаклланаётгани, бу — Ўзбекистоннинг энг катта бойлиғидир.

Бахтиёр СУЛТОНОВ,
“Эко-Пластик” МЧЖ раҳбари (Фаргона вилояти):

— Биз “Алокабанк”дан 11,6 миллиард сўм миқдорда кредит олиб, шунинг ҳисобидан Италия ва Хитой Халқ Республикасида келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида полиэтилен тасма, баргак ҳамда синтетик тола ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Мазкур жараёнда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани эса даромадимизни оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, ўтган 2013 йилни назарда тутадиган бўлсак, корхонамиз томонидан 5,2 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 80 фоизи экспорт қилинди, 88 нафар юртдошимиз иш билан таъминланди. Бу, шубҳасиз, юртимизда тадбиркорларга барча шарт-шароит яратилгани, банклар уларнинг ҳақиқий мададкори

сифатида хизмат қилаётгани сармоясидир.

Шу боис биз, тадбиркорларни муродо мақсадимизга етказётган банкларнинг мутасаддиларидан миннатдоримиз.

Иброҳим РОЗИҚОВ,
“Хайтек кабель” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари (Тошкент вилояти):

— Бугунги кунда “Hi-Tech Kabel” Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонаси ўрта Осиёда юқори қувватли ва кўп турдаги кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи субъектлардан бирига айланди. Бу, албатта, Миллий банк томонидан 17,61

қари, қўшни туманлар бозорларига ҳам етказиб бераёпмиз.

Бугун паррандачилик ферма-мизда 16 киши ишлаётган бўлса, уларнинг 6 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Айтмоқчиманки, жамоамиз аҳли бундан кейин ҳам аҳолини сифатли маҳсулот билан таъминлаган ҳолда, юртимиз иқтисодий тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Мукаррам ҲИҚМАТОВА,
“Ҳиқматова Мукаррам” хусусий корхонаси раҳбари (Қарши тумани):

— Республикамизда изчил амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдан иборат. Буни чуқур англаб етганимдан сўнг, ёшлиқдан тиқиш-бичишга иштиёқим баланд эмасми, хунаримни бошқаларга ўргатиш, ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйишни дилга тугиб, Халқ банкининг Қарши тумани филиалига мурожаат қилдим. Масъул ходимлар бизнес-режамни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, менга 240 миллион сўм миқдорда кредит ажратишди.

Шунинг ҳисобидан “Каштачилик ва тўй либослари” салони очдим. Ҳозир бу ерда 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Маҳсулотларимиз — харидор-гир. Сабаби, улар айнан миқозларимизнинг талаб ва истаклари асосида тикиляпти.

Банк билан ҳамкорлигимиз самараси бу, албатта. Шундай экан, келгусида ҳам эл-юрт равнақи йўлида бутун куч-гайратимизни сарфлайверамиз.

Гулбахор ЖУМАНИЁЗОВА,
“Дилфуса Сервис” хусусий фирмаси раҳбари (Урганч шаҳри):

— Халқимиз азалдан нонни азиз неъмат сифатида қадрлайди. Сир эмас, зувала тайёрлашдан тортиб, тандирдан жазиб олишгача бўлган бу жараён, асосан, хотин-қизларимиз зиммасида. Кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган ушбу юмушни енгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда нон ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга лойиқ.

Бунинг самараси ўлароқ, биз, масалан, Халқ банкининг Урганч шаҳар филиали томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик кредит ҳисобидан корхонамизни замонавий технологиялар билан жиҳозлашга эришдик. Ҳозир кунига 100 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқараёпмиз. Бундан, табиийки, 8 нафар ишчимиз беҳад хурсанд.


Фарҳод РАҲМАТОВ,
“Гулбод мебель” МЧЖ раҳбари (Самарқанд тумани, Қулба қишлоғи):

— Корхонамизда маҳаллий хом ашёдан турли мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Фаолиятимизни янада кенгайтириш, ички ва ташқи бозорни арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли, хусусан, коллеж битирувчиларини иш ўринлари билан таъминлашимизда “Асака” банкининг “Афросиёб” филиали томонидан ажратилган катта миқдордаги имтиёзли кредит айна мудабо бўлди. Сабаби, замонавий мебель ишлаб чиқариш комплексини барпо этиб, 2013 йил давомида истеъмолчиларга 4 миллиард сўмликдан ортқ уй ва офислар учун мўлжалланган жиҳозларни етказиб бердик.

Муҳими, илгари корхонамизда 51 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 85 нафарга етди.

Кўриниб турибдики, бу “Асака” банкининг молиявий мадади туфайлидир. Демак, бундан кейин ҳам ушбу банк билан ҳамкорлигимиз давом этаверади.

Марказий банк материаллари асосида Иқром ЎТБОСАРОВ тайёрлади.



Менин шаҳрим

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида Урганч шаҳрида шу йилнинг ўзида бажарилган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишларига тўхталиб, шу мақсадда 344 миллиард сўм сарфланганини алоҳида қайд этдилар. Чиндан ҳам, бугун бу кўҳна шаҳар ўзгача қиёфа касб этган. Бири-биридан гўзал иншоотлар, хизмат кўрсатиш объектлари, раvon йўллар — барча-барчаси аҳоли хизматида.

тирбандликнинг олдини олса, иккинчидан, йўловчиларга шаҳар манзарасини томоша қилишга имкон беради. 2013 йилда, шунингдек, 28 та объектда салкам 100 километр узунликдаги йўлларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бунинг учун 60 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Хоразми неча асрлардан буён обихаёт билан таъминлаб келаятган Шовот канали бўйла-ри ҳам эндиликда илгари орзу

Умуман олганда, каналнинг икки қирғидаги 55 объектда 49 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Бинобарин, Шовот канали бўйларига нигоҳ ташлаб, ҳамқимми учун кўрсатилаётган галкўрлик ва эътиборнинг нақадар улғувор эканлигини ҳис қилиш мумкин. Эндиликда тантана ҳамда байрамлар шу соҳилларда ўтказилади. Ахир улардаги янгиликлар халқимизнинг орзу-истакларига ҳамоханг. Улар ҳар биримизга баланд руҳ ва кўтаринкилик бағишлаб туради. Бу йилги Наврўз байрамини Шовот канали бўйларига ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари эса ҳозирдан бошлаб юборилган.

Анъанавий шахмат турнири

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ўртасида анъанавий шахмат турнири ўтказилди.

СПОРТ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан ташкил қилинган мазкур мусобақада АҚШ, Франция, Германия, Россия, Афғонистон, Бангладеш, Вьетнам, Индонезия, Эрон каби ўндан ортиқ давлатларнинг элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари ўзаро куч синашди. Мусобақада иштирокчилар Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ қоидаларига мувофиқ, швейцарча тизимда баҳс олиб боришди.

ликсининг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Рамдан Мекдуд. — Шунга мос равишда баҳслар ҳам муросасиз ва қизиқарли кечмоқда. Айниқса, мусобақа доирасида машҳур шахматчиларнинг иштирокида сеанслар ташкил этилаётгани тadbирга алоҳида мазмун бағишляпти. Масалан, бу гал ўзбекистонлик хотин-қизлар орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига эришган Нафиса Мўминова катнашди. Унинг истеъдодига, маҳоратига ҳаммамиз яна бир қарра қойил қолдик.

Албатта, тарихи узоқ асрларга бориб тақалувчи шахмат мамлакатингизда азалдан машҳур бўлган. Бугунги кунда ўзбекистонлик ёшларнинг халқаро мусобакаларда қўлга киритаятган юксак натижалари ҳам бу замин фарзандлари юксак тафаккур, ақлзаковат соҳиб эkanлигини яққол тасдиқлайди. Мен мана шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаятган Наврўз айёми билан самимий муборакбод этаман.

Мусобақа якунига қўра, АҚШ элчихонаси вакиллари биринчи, Германия Федератив Республикаси элчихонаси ходимлари иккинчи ўринни эгаллади.

Фозилдин АБИЛОВ.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2013» танловини эълон қилади

Хурматли ҳамкасблар! Ўтган 2013 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва очиқ-ойдин билан бораётган тараққиёт йўлидан яна бир доvon ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилошлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

Тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесилган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривож, халқимиз ҳаётидаги янгиликлар, хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловига катнашишга таклиф этади. Танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ҳамда радиокўрсатувлар қабул қилинади. Материаллар танловга тахрирларнинг тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танлови голиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирларида топширилади. Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-кават, 30, 35-хоналар.

Телефонлар: (8-371) 244-64-61; 244-37-87. www.journalist.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Уткир Жуманова отаси Қаршибой ЖУМАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маққамаси Ижро этувчи аппарати жамоаси масъул ходим Одил Тахирджанович Разиқовга акиси Зокилдон РАЗИКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик университети ректорати ва касабга уюшма қўмитаси Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Қамбариддин Маққамовга волидаи муҳтарамаси

Карима МЕҲМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



КЎҲНА, НАВҚИРОН ВА БЕТАКРОР



Урганчнинг улғу бобоқалонимиз ал-Хоразмий номи билан аталувчи кўчасини эса ҳар қанча таърифу тавсиф қилсак арзийди. Бир тарафдан халқаро аэропорти, бошқа томондан замонавий вокзални боғловчи мазкур кўча 3,7 километрга чўзилган. Унинг икки четида 12 та кўп қаватли тураржой ва бошқа муҳташам бино ҳамда иншоотлар қад ростлаган.

Бугун кун давомида қуёш нури ана шу бинолар пештоқларидаги нақшу нигорлар узра жияланиб, мафтункор манзара касб этади. Гўё нур ўзига рақс тушадиган майдон топгандек... Оқшомлари муаззам байроғимиз рангларидида жиялаланаётган нақшинкор чироқлар, турли кўркам шакллардаги ёриткичлар зарҳал шуъалар, оппоқ нур таратиб, фахр туйғусини жунбушга келтиради.

— Ҳар қуни ал-Хоразмий кўчасидан ўтаман, — дейди меҳнат фахрийси Бикажон Бекчанова. — Унда юртимизда халқимиз учун кўрсатилаётган галкўрлик ва яратилаётган имкониятлар тўла-тўқис ўз аксини топган. Шу маънода, у ҳар биримизда келажакимиз янада нурафшон бўлишига ишончини мустаҳкамлайди. Ёшлар билан муқолатларда шу ҳақда кўп гапираман. Уларга юртимиз бойлиқларини, жумладан, шахримиз мулкани кўз қорачиқидек асрашни уқтираман. Бу кўча кўркамлиги ва мафтункорлиги билан келажакда замонавий шаҳарсозликнинг миллий меъморчиликка уйғунлашган намунаси бўлиб қолса, ажабмас.

— Урганч кўнудан-кўнуга ашариб бормоқда, — дейди тарих фаъллари номзоди, шаҳар Кенгаши депутати Озод Абдуллаев. — Айниқса, шаҳримизда ёшларнинг эмин-эриш унлаишлари, дам олишлари, ўз истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Масалан, «Ёшлар кўли»ни олайлик. Айни пайтда унинг овозаси бутун мамлакатимизга таралган, десак, муболага бўлмайди. Чун-

ки кўлнинг катта ва кичик оролларида юртимиз тарихининг даъваткор рамзлари, табарруқ қадамжолар кўринишлари қалбга чўғ ташлайди. Турли аттракционлар эса болажонлар ихтиёрида.

Бундан ташқари, ҳадемай, Урганчнинг «Ёшлик» массиви ўзининг бутун бую бастини намоён қила бошлайди. Бу ҳудудда бадминтон, баскетбол спорт мажмуалари, туризм касб-хунар коллежи, 315 ўринли янги мактаб қурилади. Болалар боғчаси реконструкция қилинади. Ҳозиргача эса ана шу мақсадда 24 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали талабалари ҳам энг замонавий ва муҳташам бинода илм олмоқдалар. Уларнинг компьютер технологияларини чуқур ўрганишлари, ёки янги дастурлар яратишлари учун бу ерда барча шарт-шароит муҳайё қилинди.

Шаҳарда бунёд этилаётган «Бахт уйи» биноси ҳам ўз номига мос бўлмоқда. Унда ёш келин-куёвларнинг бетакрор айёллари бир умрга унутилмас бўлиб қоли-

ши учун ўзига хос меъморий ечимлар танланган. Шу билан бирга, унда ёшлар учун кўплаб хизмат кўрсатиш шохобчалари жой олади. «Бахт уйи» биносида шу кунгача 1,2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Текис ва раvon йўллар — доимий ҳамроҳимиз. Қолаверса, у турмуш фойвонлигию ободлигини англатиб турувчи мезон ҳамдир. Шу сабабли шаҳарда бу борадаги ишлар ҳам алоҳида эътибор қара тилмоқда. Барча марказий йўллар замонавий талаблар асосида қайта бунёд этилаётир. Уларнинг халқаро мезонлар даражасида мукамал бўлиши учун катта куч ва маблағ сарфланапти. Натижда тор ҳамда кўрimsиз, ҳайдовчию пиёдаларнинг харакатига халал берадиган йўллар ўрнини кенг ва раvon йўллар эгалламоқда. Улардаги йўл чиқиқларидан тортиб, қоида бузилишларини чеклаб турувчи панжараларгача халқаро андозалар даражасида ўрнатилаяпти.

Айниқса, айланма, кичик ва катта халқа йўллар шаҳар аҳли учун ўзига хос янгилик бўлди. Чунки бундай йўллар, аввало,

қилиш қийин бўлган масканга айланмоқда. Таъбир жоиз бўлса, уни «Урганчнинг олтин камари», дейиш мумкин. Гап шундаки, каналнинг шаҳар ичидан ўтувчи 7,3 километр узунликдаги қирғоқларида йил бўйи фидокорона меҳнат қилинди. Шу масофада икки қирғоқ ва канал ўзининг 500 метр узунликдаги қисми бетонлаштирилди.

Канал ўзанида доимий акватория учун катта куч ва маблағ сарф учун сув сатҳининг 3 метр чуқурликда бўлишини таъминловчи махсус иншоот қурилиб, унинг устидан ўтувчи кўприк замонавий услубда қайта реконструкция қилинди. Иккита пиёдалар кўприги янгиланди.

14,2 километр масофада, салкам 90 гектар майдонда аҳоли дам олиш масканлари барпо этилиб, ободонлаштириш ишлари бажарилди.



Сотим АВАЗ, шоир.

Шомурод ШАРАПОВ олган суратлар.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

Т/р	Кафедра номи	Лавозими
1.	Технологик машиналар ва жиҳозлар	доцент
2.	Назарий ва амалий механика	доцент
3.	Инглиз тили	ассистент
4.	Ипак ва йиғириш технологияси	доцент
5.	Тўқимачилик материалшунослиги	ассистент
6.	Кимёвий технология	доцент, ассистент
7.	Кимё	катта ўқитувчи
8.	Физика ва электротехника	кафедра мудири, ассистент
9.	Ижтимоий фанлар	доцент, катта ўқитувчи
10.	Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси	катта ўқитувчи, ассистент
11.	Либослар дизайни	катта ўқитувчи
12.	Касб таълими	ассистент
13.	Жисмоний маданият ва спорт	ассистент
14.	Менежмент	доцент, ассистент
15.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	доцент
16.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	катта ўқитувчи
17.	Олий математика	катта ўқитувчи
18.	Информатика ва ахборот технологиялари	доцент, катта ўқитувчи, ассистент

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, маляка оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади. Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, четдан танловда иштирок этувчилар синов дarsлари ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 18-хона. Телефон: (8-371) 253-17-78.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси

Фестиваль йўналишлари: эстрада; анъанавий ижрочилик; академик вокал.

Фестивалнинг асосий шarti: кўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

Фестивалнинг асосий мезони: кўшиқларнинг янгилиги, оригиналиги, матнинг таъсирчан ва бадий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, сахна харакати, нутқ маданияти ва ижро услубидир.

Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ҳамда хаваскор санъаткорлар иштирок этади.

Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнгида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Кўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлиналарида ҳамда интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайтидан олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

«МАРДИ МАЙДОН» жонли ижродаги кўшиқлар фестивали

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2014 йил 25 март кунин соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан куйидаги кўчмас мулк объектлари такроран қуйилган:

1. ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 22 ноябрдаги 91-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, 170-уйда жойлашган, умумий майдони 1738,90 кв.м. бўлган собиқ уй-жой комбинатининг А литердаги биноси.

Бошланғич баҳоси — 213 070 085 сўм.

2. ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 22 ноябрдаги 91-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, 170-уйда жойлашган, умумий майдони 3544,62 кв.м. бўлган собиқ уй-жой комбинати биносининг А, Б, Б-2 литерлардаги диспетчер биноси ва айвон.

Бошланғич баҳоси — 436 896 670 сўм.

3. ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 3 декабрдаги 104-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Чўноқта мавзеси, Тошкент тракти кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 397,42 кв.м. бўлган савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 275 359 338 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 9 апрель кунин соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида катнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этишни хоҳловчи талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улғубек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улғубек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Тел.: (8-366) 234-06-38. Лицензия: № RR-0017.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Уткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 939 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТАХРИРЯТТА КЕЛГАН ҚЎЛЭМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДАН ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улғубек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Тел.: (8-366) 234-06-38. Лицензия: № RR-0017.